O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI XALQ
DEPUTATLARI XONQA TUMANI KENGASHI

QARORI

220800, Xonqa tumani, Xonqa shaharchasi, Xalqlar do‘stligi ko‘chasi, 30-uy, telefon:(62)39-91-101, faks: 39-91-947

2020 yil 31 dekabr **26-110-son** **Xonqa shaharchasi**

Хонқа туманининг 2021 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонунига мувофиқ 2021 йил учун туман маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари Хонқа тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонунига (кейинги ўринларда қонун деб аталади) мувофиқ, 2021 йилги Хонқа тумани (кейинги ўринларда туман деб аталади) маҳаллий бюджетига Ўзбекистон Республикаси бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансферт 62,8 млрд.сўм миқдорида тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қонуннинг 12-моддасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашларига тегишли даражадаги маҳаллий бюджетларга ажратиладиган солиқларни ва бошқа турдаги даромадларни ҳамда бюджетлараро трансфертларни тақсимлаш ваколатидан келиб чиқиб, 2021 йилда:

а) Қуйидаги солиқ турлари туман бюджетига тўлиқ ўтказиб берилади:

– жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

– жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

– жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ижарага беришдан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

– сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқдан мустасно;

– қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

– айланмадан олинадиган солиқ;

– юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

– ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни сотишдан тушган пул маблағлари;

– давлат ихтиёридаги ер майдонлари, бино ва иншоатларда реклама конструкцияларини ўрнатишга рухсат олиш учун тўланадиган йиғимлар, шунингдек ўрнатилган ташқи реклама объектлари учун тўланадиган ойлик тўловлар;

– юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;

– якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи;

– маҳаллий бюджетга ундириладиган ижара тўловлари.

б) Қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар вилоят бюджети ҳамда шаҳар ва туман бюджетлари ўртасида тақсимланади:

– жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи.

3. 2021 йил учун туман маҳаллий бюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

4. Туман бюджетидан 2021 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Туман бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 3-иловага, бунда, ажратма меъёрлари бўйича вилоят маҳаллий бюджети билан туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг тақсимотини ўрнатилган тартибда вилоят Ғазначилик бошқармаси ва унинг бўлинмалари томонидан амалга оширилиши белгиланиши маълумот учун қабул қилинсин.

6. 2021 йил учун туман бюджети заҳира жамғармаси ҳажмлари **1,3 млрд.сўм** миқдорида белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Туман ҳокимлиги заҳира жамғармаси маблағларини туман бюджетида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

7. 2021 йил учун туман бюджетининг айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам маблағлари **758,0 млн.сўм** миқдорда белгилансин.

8. Туман бюджетида шаклланган қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар тегишли равишда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан туман ҳокимининг таклифларига асосан биринчи навбатда

Сканировано с CamScanner

ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилиш мақсадида қабул қилиниши белгилансин.

9. Туман ҳокимлиги, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 1-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари туман ҳокимининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимиятига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлари билан бирга киритилган мурожаатига асосан тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш ёки харажатларни мақбуллаштириш таклифларини киритади.

10. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар маҳаллий бюджетнинг ижроси давомида шаклланган қўшимча манба ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

11. Туман ҳокимлиги:

Туман бюджетини биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ҳамда коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни, капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижросини, ўтказилган танлов (тендер) савдолари ва давлат харидлари ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин;

маҳаллий бюджетнинг қўшимча даромадларини 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиришни, веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштирсин.

12. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташаббусига кўра амалга ошириладиган қўшимча тадбирларни молиялаштириш фақат туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилади.

13. Туман ҳокими бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш ва бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши ва халқ депутатлари туман Кенгашига йилнинг ҳар чорагида хисобот бериб борсин.

14. Туман ҳокимлиги қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

15. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси Ф.Каримов ва туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ф.Эрназаров зиммаларига юклатилсин.

Сессия раиси **Ҳ.Абдираманов**

Сканировано с CamScanner

Халқ депутатлари
Хонқа тумани Кенгашининг
2020 йил 31 декабрдаги
26-110-сонли қарорига
1-илова

2021 ЙИЛ УЧУН ХОНҚА ТУМАНИ БЎЙИЧА МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИНГ РЕЖА КЎРСАТКИЧЛАРИ

	Даромад турлари	Сумма минг сўм
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	6 966 269
2	Ягона солиқ тўлови	16 840 500
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	1 797 603
4	Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	6 480 643
5	Якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи	1 659 935
6	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	5 397 499
7	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	6 734 746
8	Юридик шахслар ер солиғи	5 629 715
9	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	388 131
10	Қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	128 095
11	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	
12	Давлат божи	
13	Жарималар	
14	Давлат унитар корхоналари дивиденд тушумлари	9 649
15	Ижара тўловлари	
16	Йиғимлар	**52 032 785**
ЖАМИ		
	Мобиль алоқа хизмати ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи тушумларидан тегишли равишда ўтказиб бериладиган даромад	**15 258 340**
	Алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво	9 907 990
	Мобил алоқага акциз солиғи	5 350 350
ЖАМИ ДАРОМАД		**67 291 125**

Сканировано с CamScanner

Халқ депутатлари
Хонқа тумани Кенгашининг
2020 йил 31 декабрдаги
26-110-сонли қарорига
2-илова

2021 йил учун Хонқа туман бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган кенгаш ажратмаларининг чекланган миқдорлари

№	Кўрсаткичлар	миқдори
	Харажатлар миқдори, Жами	**130 134 315,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**130 134 315,0**
	иш ҳақи, пенсия, стипендия, нафақалар миқдорларини ва айрим хизмат турлари бўйича тарифларни ошиши билан боғлиқ харажатлар (индексация харажатлари)	**0,0**
	Туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	
1.	**Халқ таълими бўлими**	**6 393 519,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	6 393 519,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
2.	**Мактабгача таълим бўлими**	**17 828 708,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	17 828 708,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
3	**Тиббиёт бирлашмаси**	**48 474 667,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	48 474 667,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
4	**Маданият бўлими**	**1 234 770,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 234 770,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
5	**Жисмоний тарбия ва спорт бўлими**	**1 886 599,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 886 599,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
6	**Қишлоқ хўжалиги бўлими**	**418 540,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	418 540,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
7	**Ирригация бўлими**	**609 200,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	609 200,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
8	**Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши**	**689 425,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	689 425,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
9	**Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими**	**976 389,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	976 389,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
10	**Бандлик ва мехнат муносабатлари бўлими**	**653 763,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	653 763,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
11	**Молия бўлими**	**35 293 216,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	35 293 216,0
	иш ҳақи, пенсия, стипендия, нафақалар миқдорларини ва айрим хизмат турлари бўйича тарифларни ошиши билан боғлиқ харажатлар (индексация харажатлари)	
12	**Ободонлаштириш бошқармаси**	**7 986 084,0**

Сканировано с CamScanner

	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	7 986 084,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
13	**Давлат хокимият органлари**	**7 131 481,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	7 131 481,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
14	**Пенсия жамғармаси худудий бўлими**	**557 954,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	557 954,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

Сканировано с CamScanner

Халқ депутатлари
Хонқа тумани Кенгашининг
2020 йил 31 декабрдаги
26-110-сонли қарорига
3-илова

Умумдавлат солиқларидан шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларига ажратмалар меъёри

Фоиз ҳисобида

Т/Р	Шахар ва туманлар номи	Айланмадан солиқ	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Акциз солиғи: - бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Юридик шахслар ер солиғи	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	Ижара тўловлари
1	Хонқа тумани	100	50	100	100	100	100	100	100	100	100	100

Сканировано с CamScanner